

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИДА ТАРИХИЙ ВАЗИЯТНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-384-387>

Очилов Озоджон Мардиевич

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Тошкент давлат шарқшунослик университети
ozodochilov85@gmail.com

Аннотация: 19-аср ўрталарида ҳозирги Ўзбекистон ва Хитой худудларида юзага келган вазият кўп жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшашдир. Иккала давлат ҳам феодал жамиятнинг сўнгги даврларини яшаб ўтишаётган эди. Ўша даврда юзага келган тарихий вазият шеърият эволюциясида муҳим рол ўйнади.

Калим сўзлар: тарихий вазият, шеърият, эволюция, парадигма, бадиий тафаккур, маърифатпарварлик

THE ROLE OF THE HISTORICAL SITUATION IN THE EVOLUTION OF CHINESE AND UZBEK POETRY

Ozodjon M. Ochilov

PhD, associate professor
Tashkent State University of Oriental Studies
ozodochilov85@gmail.com

Abstract: In the middle of the 19th century, the situation that arose in the territories of present-day Uzbekistan and China was very similar in many ways. Both countries were living in the last period of feudal society. The historical situation of that time played an important role in the evolution of poetry.

Keywords: historical situation, poetry, evolution, paradigm, artistic thinking, enlightenment

19-аср ўрталарида ҳозирги Ўзбекистон ва Хитой худудларида юзага келган вазият кўп жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшашдир. Иккала давлат ҳам феодал жамиятнинг сўнгги даврларини яшаб ўтишаётган эди. Бири Чор Россияси, яна бири эса Ғарб давлатлари томонидан ишғол этилди, ҳар иккиси ҳам инқилоблар ва миллий озодлик, маърифатчилик курашларини бошдан кечирди. Унга монанд равишда сиёсат, иқтисодиёт, жамият, маданият ва бошқа соҳаларда жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Адабиёт ижтимоий

воқеликнинг инъикоси сифатида бундай ўзгаришларни тез пайқади ва у бадиий адабиётда ўз аксини топиб борди, бу эса адабий тафаккурда муқаррар эврилишларга олиб келди. Шу сабабдан асосан 19-аср охири ва 20 аср I чорагида яратилган икки халқ адабиётида мавзу кўлами, қўлланилган мотивлар, мавзу ва бадиий ғоя жиҳатидан кўплаб ўхшаш жиҳатларни кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга ўша давр хитой ва ўзбек адабиётининг тараққиёт жараёнида замонавий миллий онгинг юксалиши билан таъкидланган миллий ўзига хослик муқаррар равишда икки мамлакатнинг замонавий адабиёт тарихида бир қатор фарқларни ҳам келтириб чиқарди.

18-асрдаги саноат инқилоби Европадаги анъанавий ижтимоий тузумни ўзгартирди ва Европани биринчи бўлиб капиталистик жамиятга киришга ундади. Шу билан бирга, замонавий Европа ва Америка капиталистик мамлакатлари савдо-сотик мақсадида ғарбдан шарққа йўналган бир қатор мустамлакачилик сиёсатини амалга оширди. Унинг бир қисми сифатида инглиз империалистлари 1840 йилда Хитойга қарши афюн урушини бошладилар, бу узок йиллик феодал анъаналар асосида яшаб келаётган Хитойга жиддий таъсир кўрсатди ва Хитой эшикларини дунёга очган "Нанкин шартномаси" каби тенгсиз келишувларни имзолашга мажбур қилди.

1842 йилда Британия фойдасига тузилган бир нечта келишувлар эвазига Хитойда уруш тугади. Бунинг ортидан АҚШ, Франция ва Чор Россияси билан ҳам уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи келишувлар имзоланди. Чор Россияси Чинг империяси билан 1847 йили имзоланган “Ининг битими” ортидан Марказий Осиёга тажоввузкор ҳужумларини давом эттиришда кучли рағбатга эга бўлди [徐凤晨 1982:52]. Ушбу тенгсиз шартномалар сериясининг имзоланиши туфайли Хитойнинг урушдан олдин мустақил бўлган тариф суверенитети, суд суверенитети ва ҳудудий денгиз суверенитети йўқ қилинди, бунинг оқибатида Хитой деформацияланган бутунлай янгича йўлга ўта бошлади.

Афюн урушигача бўлган даврда юзага келган кўзғолонлар ёки қаршилиқ ҳаракатларига эътибор берилса, улар асосан деҳқонлар ва ер эгалари ўртасида, яъни оддий халқнинг феодал бошқарув тизимидан норозиликлари туфайли рўй берганлигини кузатиш мумкин. Урушдан сўнг вазият кескин ўзгарди. Энди кўзғолон ва норозилик ҳаракатлари империализм ва хитой миллати, феодализм ва кенг кўламли халқ ўртасида пайдо бўла бошлади [陈振江 1991:34]. Шу тариқа Хитойда шаклан ҳам моҳиятан янги кўриниш олган миллий демократик инқилобнинг илк куртаклари кўрина бошлади. Шу сабадан бу давр кейинчалик Хитойда содир бўлган демократик инқилоблар ҳамда хитой халқининг империализм ва феодализмга қарши бўлган буржуа революциясининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Афюн уруши шубҳасиз, давр зиёлилари учун ҳам катта зарба бўлди. Дарҳақиқат, зиёлилар уруш бошланишидан анча аввал империяни олдинда

кутаётган хавф-хатарлардан ўз ташвишларини билдиришаётган эди. Афюн урушидан кейин улар Фарбдан янги кашфиётлар, янги ғояларни ўзлаштириш ва тарқатишда янада фаол ҳаракат қила бошлашди. Шу тариқа, Фарб илм-фан ва техникаси, сиёсий тафаккури, фалсафаси, адабиёти ва ҳоказолар турли йўллар орқали Хитойга ёйилиб, айниқса зиёлилар ўртасида катта тебранишни юзага келтирди. Аммо бу даврда зиёлиларнинг ижтимоий ислоҳоти ва ватанпарварлик, маърифатпарварлик ҳаракати феодал тузумга хос урф-одатлар, анъаналар ва минглаб қудратли консерваторлар томонидан ҳужумга учраганлиги ёки аёвсиз тақиб остига олинганлиги сабабли тизимли ижтимоий ислоҳотлар ҳаракати ривожлана олмади, айниқса унинг халққа таъсири жуда заиф бўлди.

Темурийлар салтанатининг инқирозга учраши натижасида учга бўлиниб кетган хонликлар 19-аср ўрталарига келиб барча жабҳаларда турғун сиёсат юритиб, прогрессив жараёнлардан анча ортда қолган эди. Азамат Зиёнинг фикрига кўра, аждодларимиз кўпчилик мамлакатлардан орқада бўлмаган бўлсаларда, жаҳон тараққиётидаги фан ва техника асрида (XX) тараққиётнинг олдинги сафларида туришлари учун мавжуд имкониятларни бой берди [Azamat Ziyov 2000:298]. Ҳ.Содиқов ҳамда Н.Жўраевлар бундай имкониятнинг юз беришига тўсқинлик қилган бир қатор омилларни санаб ўтишади [Sodiqov, Jo'rayev 2011:64]. Жумладан, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, бошбошдоқлик, ички низолар, хон ва бекларнинг зўравонлиги, ноқонуний солиқ ва жарималар, эски усулдаги ер мулкчилиги сиёсати, қоқоқ саноат ва кончилик, эскича товар-пул муносабатлари, ҳамон айрибошлаш усули устун бўлган ҳамда жаҳон бозоридан узилиб қолган савдо муносабатлари, энг муҳими халқни ягона ғоя остида бирлаштира олувчи арбобнинг бўлмаганлиги ва ҳоказолар санаб ўтилган. Юқорида келтирилган омиллар қаторида ўша даврда ортодаксал жамиятнинг роли ноҳоятда кучайганлиги, бунинг ортидан диний хурофот, мутаасибликнинг авж олганлигини ҳам санаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Амир ва хонларнинг ўзларини дин ҳимоячиси деган обрўга зўр бериб интилиши ва бунинг натижасида Чор Россияси остонада кўр тўкиб турган бир вазиятда Амир Насруллохоннинг “диний адолат” ўрнатиш важида Кўккон хонлигига бостириб кириши ва катта қирғин уюштириши ўз даврида диний хурофотининг қанчалик аянчли ва шармандали ҳолатларни юзага келтирганидан далолат беради.

18-аср ўрталарига келиб Чор Россияси Буюк Британия билан мустамлакачилик масаласида рақобатга киришган эди. Олтин Ўрда ўрнидаги ерларни эгаллагач ўз мавқеини мустаҳкамлаб ва у ердаги бойликлар ҳисобига кучга тўлгач, турк дунёсининг марказий қисми бўлмиш ўзбек хонликларини ҳам босиб олиш ҳаракатига тушди [Зиёев 1998:433]. Чор Россияси бу масалани 19-асрнинг иккинчи ярмида узил-кесил ўз ниҳоясига етказди. Бу воқеалар табиий равишда ўлканинг барча жабҳаларига улкан таъсир кўрсатди. Тарихчи

Адиб Холид таъкидлаганидек, “Туркистон бошқа европалик мустамлакачи империялар билан олисдаги мустамлакалар учун аёвсиз рақобат шароитида, “маданиятсиз” халқлар устидан империял бошқарув тамаддунининг чўққисидир” дея ҳамон бонг урилган замонда босиб олинганди [Adib Xolid 2022:33]. Шу тариқа ташқи дунёдан дярли узилиб қолган, барча жабҳаларда турғунликни бошидан кечираётган, на таълим на сиёсатда ислохот қилмаган, ўзаро мантиқсиз урушлар натижасида заифлашган ўзбек хонликлари биринкетин Чор империясининг мустамлакасига айланди. Бу вазият ҳам туркистонлик зиёлиларни сергак торттирди ва нажот фақат маърифатда, тўғри таълимда эканлигини кенг тарғиб қила бошлади. Бу учун энг қулай восита шеърият бўлиб, у ёрдамида илғор адабиёт вакиллари ўз ғояларини оддий халққа етказишга ҳракат қилдилар. Бундай шеърият содда, турли қатъий метрик қоидалардан холи, ўзида реал воқеликни акс эттирувчи шеърият бўлиши лозим эди. Айнан мана шу омиллар шеъриятнинг том маънодаги эврилишини, янгилианишни бошлаб берди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, бир пайтлар илм-фан тараққиётида муҳим рол ўйнаган ўзбек ва хитой халқлари уни анъанага айлантира олишмади, аксинча унинг ўрнини диний-мафкуравий хурофотга бўшатиб беришди, натижада илм-фан ривожини анъанага айлантира олган мамлакатлар томонидан босиб олинди. Оғир вазият ҳар икки ўлканинг ватанпарвар зиёлиларини бу ҳолатга тушишнинг сабабларини фаол қидиришга мажбур қилди. Сабаб сифатида маърифатсизлик, илмсизлик, билимсизлик эканлиги тан олинди. Халқни уйғотиш, унинг кўзини очиш ҳаракати бошланди ва бунда шеърият асосий куруллардан бири сифатида майдонга келди. Шу аснода парадигмалар ўзгара бошлади, адабиёт, хусусан қарийб ярим аср давом этган шеърият эволюцияси юз берди.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCE):

1. Adib Xolid: O‘zbekiston tavalludi: ilk SSSR davrida millat, imperiya va inqilob. – T.: “Akademnashr”, 2022.
2. Azamat Ziyov. O‘zbek davlatchiligi tarixi. – T.:, Sharq, 2000.
3. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажоввузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари. –Т.: “Шарқ”, 1998.
4. Sodiqov H, Jo‘rayev N. O‘zbekiston tarixi: (Turkiston Chorizm mustamlakachiligi davrida) 1-kitob. – T.: Sharq, 2011.
5. 陈振江: 《简明中国近代史》-天津: 天津人民出版社, 1991.
6. 徐凤晨, 赵矢元: 《中国近代史》, 辽宁人民出版社, □1982.